«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ № 1

Умумий йиғилиш ўтказилган сана ва вақт: **2024 йил 28 июн соат 15:00**

Умумий йиғилиш ўтказилган жой: **Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси 61 уй «Тошкент механика заводи» АЖ рақамли конференциялар зали.**

«Тошкент механика заводи» Ажнинг (бундан кейин матнда жамият деб номланади) жами акциялари сони:
18 329 649 дона оддий акцияларни ташкил қилади.
Жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган жами акциялари сони:
18 329 649 дона оддий акцияларни ташкил қилади.
Умумий йиғилишда иштирок этаётган овозлар сони **17 154 139 дона**
Умумий йиғилиш кворуми: **93,59 %.**

Йиғилиш раиси: **Хасилов Хуснутдин Нуриддинович-** «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош муҳандиси, «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши раиси;

Йиғилиш котиби: **Давлатов Санжар Лочинали ўғли** – «Тошкент механика заводи» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи.

Йиғилишда иштирок этувчилар:

- Хасилов Хуснутдин Нуриддинович- «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош муҳандиси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан Уставга асосан «Тошкент механика заводи» АЖнинг 16 490 713 дона оддий акциялари бўйича овоз беради.

- Бошқа акциядорлар - 663 426 дона оддий акциялар;

- «Тошкент механика заводи» АЖ Кузатув кенгаши аъзолари, жамият ижро органи аъзолари.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана- 2024 йил 24 июн.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 77 моддаси ҳамда жамият уставига мувофиқ, кузатув кенгаши раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Йиғилишни Х.Н. Хасилов кириш сўзи билан очиб, бугунги умумий йиғилишда рўйхатдан ўтган акциядорлар яъни йиғилиш кворуми ҳақида маълумот беришни сўраб саноқ комиссияси раиси Р. Т. Хайдаровга сўз берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси томонидан 2024 йил 24 июн ҳолатига шакллантирилган «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, «Тошкент механика заводи» АЖнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар сони 18 329 649 дона оддий акциялар эканлиги, ундан 17 154 139 дона оддий акция эгалари бугунги йиғилишда иштирок этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги, бу жамият овоз берувчи акцияларининг 93,59 фоизини ташкил этишини, амалдаги қонунчиликка асосан умумий йиғилиш кворуми тўпланганлиги ва йиғилиш ваколатли эканлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси Х.Н. Хасилов йиғилишни очиқ деб эълон қилди. Мажлисни тартибли олиб бориш учун йиғилиш ишчи аппаратини, яъни ишчи президиуми, йиғилиш раисини, котибиятни ва саноқ комиссиясини сайлаб олиниши зарурлигини айтиб, ишчи президиумга қуйидаги номзодларни таклиф этди:

Йиғилиш президиуми:

1. **Хасилов Хуснутдин Нуриддинович** - «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош муҳандиси, «Тошкент механика заводи» АЖ Кузатув кенгаши раиси;

2. **Исоқов Зафар Зиннатуллоевич** - «Тошкент механика заводи» АЖ бошқарув раиси-бош директор;

3. **Абдулазизов Абдухамид Абдулазизович** -«Тошкент механика заводи» АЖ ишлаб чиқариш директори;

Йиғилиш раиси этиб амалдаги қонунчилик талабларига кўра кузатув кенгаши раиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович номзоди тавсия қилинди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини олиб бориш учун котибликка «Тошкент механика заводи» АЖнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли номзоди тавсия қилинди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Сўз давомида Х.Н. Хасилов йиғилиш кун тартиби ва уни олиб бориш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди:

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбарининг 2023 йил якуни бўйича жамиятни молиявий хўжалик фаолияти ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисида.

Биринчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бошқарув раиси Исоқов Зафар Зиннатуллоевич (5 дақиқа).

2. 2023 йил якуни бўйича жамиятнинг молиявий хўжалик ҳисоботларини, бухгалтерия балансини ҳамда аудиторлик ташкилотининг ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисида.

Иккинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Шойдуллаев Ўрол Шералиевич (5 дақиқа).

3. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ҳисоботини тинглаш тўғрисида.

Учинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович (5 дақиқа).

4. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 2023 йил молиявий хўжалик фаолияти натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.

Тўртинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Шойдуллаев Ўрол Шералиевич (5 дақиқа).

5. «Тошкент механика заводи» АЖ 2023 йил 27 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 2022 йилда молиявий хўжалик фаолиятидан олинган соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарорининг иккинчи бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Бешинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Шойдуллаев Ўрол Шералиевич (5 дақиқа).

6. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 2023 йилда молиявий хўжалик фаолиятидан олинган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида.

Олтинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Шойдуллаев Ўрол Шералиевич (5 дақиқа).

7. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

Еттинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (5 дақиқа).

8. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбари ва аъзолари билан меҳнат шартномаларни узайтириш тўғрисида.

Саккизинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (5 дақиқа).

9. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларини ўз вазифаларини бажариб турган давр учун тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш тўғрисида.

Тўққизинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (5 дақиқа).

10. Аффилланган шахслар билан келгусида «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

Ўнинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (5 дақиқа).

11. 2023 йил якуни ҳолатига жамиятда корпоратив бошқарув тизими бўйича баҳолаш хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўн биринчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (5 дақиқа).

12. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг ички ҳужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

Ўн иккинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (5 дақиқа).

13. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг устав фондини камайтириш тўғрисида.

Ўн учинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (5 дақиқа).

14. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти уставига ўзгартириш киритиш ва янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўн тўртинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (5 дақиқа).

15. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 2024 йил давомидаги фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш.

Ўн бешинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (5 дақиқа).

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бошқарув раиси Исоқов Зафар Зиннатуллоевич сўз бошлади.

2023 йилда ҳам "Тошкент механика заводи" АЖ ишчи-ходимлари ва бошқарув аъзолари билан бирга кўплаб муваффаққиятли ишлар амалга оширилди. "Тошкент механика заводи" АЖ ҳудудида янги ишлаб чиқариш бинолари қурилди, эски бинолар қайтадан реконструкция қилинди ва ишлаб чиқариш бўлимларига топширилди.

Стратегик ривожлантириш қуйидаги мақсадларга эришиш учун йўналтирилган:

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ва сифатини ошириш;

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ошириш;

Электроэнергия ресурслари сарфини яна 30% га қисқартириш;

Маҳсулот турини 3 баробарга ошириш;

Ишчи-ходимларнинг ойлик маошларини 1,15 баробарга ошириш.

"Тошкент механика заводи" АЖ фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари:

Рақобатбардош ва юқори технологияли Саноат ва хўжалик молларининг янги турларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини реализация қилиш;

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ таркибидаги корхоналар билан темир йўл техникаларини, эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ҳамда модернизация қилишда кооперация жараёнларини амалга ошириш, шу билан бирга темирйўл транспорти талабини тўлақонли қондириш ҳамда импорт ҳажмини қисқартириш;

ИЛ-114 ва ИЛ-76 самолётларини таъмирлаш хизматини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" АЖ ва бошқа чет эл авиакомпанияларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи қисмларга бўлган буюртмаларини ишлаб чиқариш;

2023 йилда ҳудудни ободонлаштириш бўйича ишлар давом эттирилди. Янги қўшимча ишлаб чиқариш бинолар барпо этилди. Мавжуд ишлаб чиқариш бинолари қайта таъмирланди ва ёндош маъмурий бошқарув бинолари реконструкция қилинди.

Кадрлар бўлими ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимлари учун янги бино қурилиш ишлари бошланди.

Жамият ишчи ходимлар ҳаётида соғлом турмуш тарзини кечиришлари учун ҳамда адабиётга бўлган муҳаббатларини ошириш мақсадида спорт комплекси ва кутубхонани ўзида жамлаган ижтимоий маънавият марказининг дастлабки қурилиш босқичи якунланди.

Кун тартибидаги 1- масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 17 154 139 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Шойдуллаев Ўрол Шералиевич сўз бошлади.

2023 йил давомида жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш йўлида барча зарурий ишлар амалга оширилганлиги ва бунинг натижасида иқтисодий аҳвол бир мунча яхшиланганлигини айтиб, йиғилиш қатнашчиларини иқтисодий кўрсаткичлар билан таништириб, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

"Тошкент механика заводи" акциядорлик жамиятининг 2023 йил якуни бўйича бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини баҳолаш ҳамда унинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ва молиявий ҳисоботларнинг муҳимлиги жиҳатидан тўғри расмийлаштирилганлиги бўйича "Marikon Audit" МЧЖ аудиторлик ташкилоти текширув хулосаларини тақдим этди.

Аудиторлик текшируви бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосан олиб борилди.

Аудиторлик текшируви хулосаларида "Тошкент механика заводи" акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабр ҳолатига молиявий – хўжалик фаолияти ва молиявий ҳисоботлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини қаноатлантириши ҳамда ишончли ва тўғри эканлиги баён этилган.

Кун тартибидаги 2-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 17 154 139 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан маърузачи «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши раиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович сўз бошлади.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасида жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киради.

Кузатув кенгаши ўз фаолияти Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни асосида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ваколатлар доирасида олиб борилди.

2023-2024 йилларда Кузатув кенгаши томонидан жами ўн олти маротаба йиғилишлар ўтказилган.

Юқоридагилардан ташқари Кузатув кенгаши томонидан кенгаш раиси ва котибини сайлаш, кенгашнинг иш режаси, кузатув кенгаши аъзоларининг вазифалар тақсимоти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ўз вақтида кўрилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва бажарилиши таъминланган.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида, зиммаларидаги мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш мақсадида жамият фаолиятида фаол иштирок этиб, кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш билан биргаликда, мажлисларга тайёргарлик кўриш, ҳисоботларни тайёрланиши ва бажарилишини назорат қилиш, уни ўрганиш ва тўғри баҳо бериб, қарорлар қабул қилиш мақсадида жамият ижро органи, жамият бўлимлари, аудитор ва бухгалтерлар, жамият мутахассислари билан мулоқотда бўлиб, амалий ёрдамлар берилган.

Кун тартибидаги 3-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 17 154 139 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси бош ҳисобчи Шойдуллаев Ўрол Шералиевич сўз бошлади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киради.

Тафтиш комиссияси томонидан жамият молиявий-хўжалик фаолияти, ишлаб чикаришни режалаштирилиши, жамиятнинг аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниб, дебитор ва кредитор қарзларнинг таҳлили мунтазам равишда тафтиш қилиниб, ўрганиб борилди. («Тошкент механика заводи» АЖ Тафтиш комиссиясининг хулосаси илова қилинади).

Кун тартибидаги 4-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 17 154 139 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Шойдуллаев Ўрол Шералиевич сўз бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармонининг олтинчи бандининг учинчи хатбошисига кўра устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида фойда солиғи тўлангунга қадар фойданинг ўн фоизгача миқдоридаги ажратмалари ҳисобидан корҳоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамида шакллантирадиган Инновацион фаолиятни қўллаб қувватлаш жамғармалари ташкил этиши белгиланган.

2023 йил 27 июндаги «Тошкент механика заводи» АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг 2-сонли Баённомасининг бешинчи қарори иккинчи бандига кўра Жамиятнинг 2022 йил давомидаги фаолиятидан олинган соф фойданинг 10 фоизи ёки 342 250 600 сўм тубдан янгиловчи инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармасига йўналтирилган.

«Тошкент механика заводи» АЖ ички аудит хизмати бошлиғи Р.Д. Камаловнинг 2024 йил 4 июндаги 1-сонли хулосасига кўра "Тошкент механика заводи" АЖ Устав фондида тўғридан-тўғри давлат улуши мавжуд эмаслигини ва шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармонига асосан Жамиятнинг 2022 йил давомидаги фаолиятидан олинган соф фойданинг 10 фоизгача миқдорида тубдан янгиловчи инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилиши тегишли эмаслиги билдирилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, 2023 йил 27 июндаги «Тошкент механика заводи» АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг 2-сонли Баённомасининг бешинчи қарорининг иккинчи бандига қисман ўзгартириш киритиш кераклигини ва унга кўра тубдан янгиловчи инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармасига йўналтирилган Жамиятнинг 2022 йил давомидаги фаолиятидан олинган соф фойданинг 10 фоизи ёки 342 250 600 сўмни Жамиятнинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришига йўналтириш таклиф қилинган.

Кун тартибидаги 5-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 16 959 041 овоз, Қарши- 195 098 овоз, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Шойдуллаев Ўрол Шералиевич сўз бошлади.

"Тошкент механика заводи" акциядорлик жамиятининг 2023 йил давомидаги фаолиятидан олинган 25 719 167 000 сўм соф фойдасини жамият кузатув кенгаши билан келишган ҳолда:

50 фоизи ёки 12 859 583 500 сўм ишлаб чиқаришни ривожлантиришга;

50 фоиз ёки 12 859 583 500 сўм дивидендга йўналтириш масаласи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиш таклиф этилди.

Бунда 12 859 583 500 сўм соф фойдадан дивиденд солиғини (5%) ҳисобга олганда 12 216 604 325 сўмни ташкил этади ҳамда бир дона акцияга ажратиладиган дивиденд миқдори солиқларни ҳисобга олганда 666,49 сўмни ташкил этади.

Дивиденд тўлаш акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган кундан эътиборан 60 кун ичида юридик шахсларнинг ҳисоб рақамига, жисмоний шахсларнинг ўз аризаларига биноан пластик карталарига нақдсиз пул кўринишида пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

Акциядорлар томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд жамият ихтиёрида қолиши таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидаги 6-масала бўйича берилган овозлар натижаси:
Тарафдор- 17 154 139 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76 - моддасига мувофиқ Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 89,96 % акцияларига эгалик қилувчи «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан қуйидаги номзодлар кузатув кенгаши аъзолигига уч йил муддатга сайлаш учун таклиф қилинмоқда:

Хасилов Хуснутдин Нуриддинович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош муҳандиси

Давлетов Жахонгир Марксович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш департаменти бошлиғи ўринбосари

Асқаров Музаффар Турсунбоевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ корпоратив муносабатлар департаменти бошлиғи

Ахмедов Сардорбек Хурматбекович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ халқаро хамкорлик департаменти бошлиғи

Абдураззоқов Акбаржон Кучкарович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси маслаҳатчи – бошқарув раиси ҳузуридаги котибият бошлиғи

Қаршиев Олег Келдиярович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳаракат хавфсизлиги ва мехнат муҳофазаси назорати департамент бошлиғи

Абдуллаев Бахром Шарофхўжаевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия департаменти бошлиғи ўринбосари

Умаров Лазиз Сафарбоевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ юридик департаменти бошлиғи ўринбосари

Кахаров Нодир Баходирович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ стратегик ривожланиш, саноат фаолиятини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг уставига асосан Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив сайлов беришда акциядорлар ўз акциялар сонини жами номзодлар сонига кўпайтиради ҳам ўз номзодига ёки номзодларига овоз бермоқчи бўлган акциялар сонини киритади.

Кун тартибидаги 7-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош муҳандиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович овоз берган акциялар сони- **17 154 139 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш департаменти бошлиғи ўринбосари Давлетов Жахонгир Марксовичга овоз берган акциялар сони- **17 154 139 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ корпоратив муносабатлар департаменти бошлиғи Асқаров Музаффар Турсунбоевичга овоз берган акциялар сони- **17 154 139 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ халқаро хамкорлик департаменти бошлиғи Ахмедов Сардорбек Хурматбековичга овоз берган акциялар сони- **17 154 139 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси маслаҳатчи – бошқарув раиси ҳузуридаги котибият бошлиғи Абдураззоқов Акбаржон Кучкаровичга овоз берган акциялар сони- **17 154 139 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳаракат хавфсизлиги ва мехнат муҳофазаси назорати департамент бошлиғи Қаршиев Олег Келдияровичга овоз берган акциялар сони- **17 154 139 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия департаменти бошлиғи ўринбосари Абдуллаев Бахром Шарофхўжаевичга овоз берган акциялар сони- **17 154 139 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ юридик департаменти бошлиғи ўринбосари Умаров Лазиз Сафарбоевичга овоз берган акциялар сони- **17 154 139 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ стратегик ривожланиш, саноат фаолиятини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Кахаров Нодир Баходировичга овоз берган акциялар сони- **17 154 139 овоз** билан сайланди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли сўзга чиқди.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ижро органи таркиби 6 кишидан иборат эканлигини билдириб ўтиб, бошқарув раиси Исоқов Зафар Зиннатуллоевич билан меҳнат шартомасини бир йил муддатга узайтиришни таклиф этиб қуйидаги номзодларни ижроия органи аъзолигига тасдиқлашни таклиф этилди:

Бозоров Эркин Сайфуллоевич	“ТМЗ” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари
Сабиров Анвар Мухаммадович	“ТМЗ” АЖ бош муҳандиси
Абдулазизов Абдуҳамид Абдулазизович	“ТМЗ” АЖ ишлаб чиқариш директори
Джураев Жасур Мухаммедович	“ТМЗ” АЖ техник директори

Хафизов Нормурод Кулдашович “ТМЗ” АЖ кадрлар ва персонални бошқариш бўлими бошлиғи

Кун тартибидаги 8-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 17 154 139 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбекбек Лочинали ўғли сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамиятининг уставига асосан жамият кузатув кенгаши ҳамда бошқарув органи аъзоларини мукофотлаш ҳамда ишлаб турган даврида ҳақ ва компенсациялар тўлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасида эканлиги белгиланган.

Шунга кўра “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ҳамда бошқарув органи аъзоларини 2023 йил якунлари бўйича кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 20 баравари миқдорида, кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 15 баравари миқдорида, ижроия органи аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 10 баравари миқдорида ҳақ тўлаш ва 2024-2025 йил ҳар чорак якунида ўз вазифаларини бажариб турган давр учун кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 15 баравари миқдорида ҳамда ижроия органи аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 10 баравари миқдорида ҳақ тўлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги 9-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

9.1. Тарафдор- 17 154 139 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

9.2. Тарафдор- 17 154 139 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлигини, шунга кўра аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги 2025 йилда бўладиган йиллик умумий

йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги 10-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 663 426 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

йиғилишда қатнашган «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ушбу масала юзасидан овоз бера олмаганлиги сабабли кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали сўз бошлади.

Жамиятда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодекс талабларидан келиб чиқиб, жамиятда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодекси талаблари асосида "SILK CAPITAL" МЧЖ мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан "Тошкент механика заводи" АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини ва молиявий фаолиятини Давлат рақобат қўмитаси ва корпоратив илмий таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида ўтказилган баҳолаш натижалари тўғрисидаги хулосаси ва тегишли тавсиялари билан таништириб ўтди.

Хулосага кўра жамиятда корпоратив бошқарув тизимини ва молиявий фаолиятини баҳоланиши натижалари 546 баллни ташкил этди.

2023 йил якуни ҳолатига жамиятда корпоратив бошқарув тизими бўйича баҳолаш хулосасини тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги 11-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 17 154 139 овоз, Қарши- йўқ, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали сўз бошлади.

Ўзбекистон Республикаси"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 59-моддасига ва жамият уставига асосан жамиятнинг ички низомларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирда тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киришини таъкидлаб ўтди.

Шунга кўра:

- *"Тошкент механика заводи" акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисидаги низоми* иловага мувофиқ тасдиқлашни таклиф қилди.

Кун тартибидаги 12-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 16 686 185 овоз, Қарши- 467 954 овоз, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали сўз бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 24-февралдаги 5/1-3365-сон топшириғи, Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаш-тириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2023-йил 22-апрелдаги 13-2-сон йиғилиш баёни (2023 йил 3 майдаги ВМ-240), Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғининг 2023 йил 19 майдаги 28-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй манзилида жойлашган 3,71 га ер майдони "Тошкент механика заводи" АЖнинг устав фондидаги давлат улушини кўшимча акциялар чиқариш йўли билан ошириш ҳисобига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилган 2000-сонли "Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари"нинг 5-бандига мувофиқ акцияларни қўшимча чиқариш фақат эмитентнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарор фақат эмитент уставига киритиладиган акцияларнинг олдинги чиқарилиши натижаларига кўра жойлаштирилган ва эълон қилинган акциялар сонининг янги миқдорига нисбатан киритилган ўзгаришлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қабул қилиниши мумкин.

Тошкент Туманлараро Иқтисодий судини 4-1001-2115/16472-сонли иши бўйича қарорини бажариш мақсадида "Тошкент механика заводи" АЖ томонидан "O'zsanoateksport" АЖдан 123 382 дона акцияларни қайтариб сотиб олинди ва акциялар жамият тасарруфига ўтди.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 41-моддасига кўра:

Бундай акциялар қайтариб сотиб олинган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши лозим, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур акцияларни бекор қилиш йўли билан жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

"Тошкент механика заводи" АЖ ушбу қайтариб сотиб олинган акцияларни реализация қилиниши мақсади мавжуд эмаслигини маълум қилади ва мазкур акцияларни бекор қилиш йўли билан жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишни ва бундан сўнг жамият устав фондидаги давлат улушини кўшимча акциялар чиқариш йўли билан ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Тошкент Туманлараро Иқтисодий судини 4-1001-2115/16472-сонли иши бўйича қарорини бажариш мақсадида "Тошкент механика заводи" АЖ томонидан "Ozsanoateksport" АЖдан қайтариб сотиб олинган 123 382 дона ўз акцияларини бекор қилиш йўли билан "Тошкент механика заводи" АЖ устав

капиталини 73 812 124 000 сўмдан 73 318 596 000 сўмгача камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш таклиф қилинган.

"Тошкент механика заводи" АЖ устав капитали 73 318 596 000 сўм миқдорида, номинал қиймати 4000 сўм бўлган 18 329 649 дона оддий акцияга бўлган ҳолда тасдиқлашни таклиф қилинган.

Кун тартибидаги 13-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 16 491 057 овоз, Қарши- 663 052 овоз, Бетараф- 30 овоз

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали сўз бошлади**.**

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 107-моддасида Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамият уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) назарда тутилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги "2021-2025" йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг 8-боб корпоратив бошқарувининг замонавий услубларини жорий этиш қисмидаги 34-бандида Давлат иштирокидаги корхоналарда тафтиш комиссиялари фаолияти бекор қилиниши белгиланган.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 89,96 % акцияларига эгалик қилувчи «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2024 йил 5 июндаги 01/2198-24-сонли хатида Жамиятнинг тафтиш комиссия фаолиятини тугатиш масаласини кўриб чиқиш сўралган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, тафтиш комиссиясининг фаолиятини тугатиш ва Жамиятнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф этилган.

Тошкент Туманлараро Иқтисодий судини 4-1001-2115/16472-сонли иши бўйича қарорини бажариш мақсадида "Тошкент механика заводи" АЖ томонидан "Ozsanoateksport" АЖдан қайтариб сотиб олинган 123 382 дона ўз акцияларини бекор қилиш йўли билан "Тошкент механика заводи" АЖ устав капиталини 73 812 124 000 сўмдан 73 318 596 000 сўмгача камайтириш тўғрисидаги қарори қабул қилинган тақдирда "Тошкент механика заводи" АЖ устав капитали 73 318 596 000 сум миқдорида, номинал қиймати 4000 сўм бўлган 18 329 649 дона оддий акцияга бўлган ҳолда тасдиқланганидан келиб чиқиб, «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фонди камайиши натижасида амалдаги жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинган.

Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир
3.2. Жамиятнинг Устав фонди 73 812 124 000 (етмиш уч миллиард саккиз юз ун икки миллион бир юз йигирма тўрт минг) сўмни ташкил этади ва бир акциянинг номинал қиймати 4 000 (тўрт минг) сўм миқдорида 18 453 031 (ўн саккиз миллион тўрт юз эллик уч минг ўттиз бир) дона оддий акцсияга тақсимланган.	3.2. Жамиятнинг Устав фонди 73 318 596 000 (етмиш уч миллиард уч юз ўн саккиз миллион беш юз тўксон олти минг) сўмни ташкил этади ва бир акциянинг номинал қиймати 4 000 (тўрт минг) сўм миқдорида 18 329 649 (ўн саккиз миллион уч юз йигирма тўккиз минг олти юз қирқ тўққиз) дона оддий акцсияга тақсимланган.
XII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ **а) Тафтиш комиссияси** 12.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун 1 (бир) йил муддатга акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш Комиссиясини сайлайди. 12.2. Тафтиш Комиссиясининг ваколатларига қуйидагилар киради: - йиллик фаолияти натижаларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш; - бошқа давр учун фаолият натижаларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш; - Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат натижалари бўйича хулоса тузиш; - Жамиятда аффиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимларнинг мавжудлиги тўғрисида хулоса тайёрлаш, шунингдек шундай битимларни тузишга Жамият ички ҳужжатлари ва қонунчилик талабларига риоя этилганлиги тўғрисида ва ҳар чоракда Жамият Кузатув Кенгаши ҳукмига хулосабериш; - Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига Жамиятда аффилланган шахслар билан битимлар ёки йирик битимларни борлиги тўғрисида хулосалар бериш. Тафтиш Комиссияси фаолияти тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси ҳақида”ги Низом билан белгиланади. 12.3. Тафтиш Комиссияси миқдор таркиби, 3 (уч) кишидан иборат. Бир шахснинг ўзи Жамият Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (уч) мартадан кўпроқ сайлана олмайди. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият	**XII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ- ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ** **а) Ички аудит хизмати** 12.1. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилган. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир. 12.2. Ички аудит хизмати Жамият Ижроия органининг, ваколатхоналари ва филиалларининг ишини назорат қилиш ва баҳолашни текширишлар ва уларнинг Қонунчиликка, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя қилишини мониторинг қилиш, бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирилишини таъминлаш, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг қоидалари ва тартибига, шунингдек Қонунчилик билан белгиланган Жамиятни бошқариш бўйича талабларига риоя қилиш орқали амалга оширади. 12.3. Жамиятнинг ички аудит хазмати фаолиятининг тартиби, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг Кузатув Кенгаши билан тасдиқланадиган “Ички аудит бўлими тўғрисида”ги Низом билан белгиланади. **б) Аудиторлик ташкилоти** 12.4. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва қонунчилик билан белгиланган тартибда унга аудиторлик хулосасини тақдим этади. 12.5. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларига малакавий талаблар, “Тафтиш комиссияси ҳақида”ги Низом билан белгиланади.

12.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига биноан жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни унга тақдим этишлари шарт.

12.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан, Жамият Кузатув Кенгашини олдиндан билдириш йўли билан амалга оширилади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулоса тайёрлайди, хулосада қуйидагилар бўлиши шарт:

- ҳисоботларда ва Жамиятнинг бошқа молия ҳужжатларида акс эттирилган маълумотлар қай даражада тўғрилигига доир берилган баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартиби, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида ахборот.

12.6. Тафтиш комиссияси; ҳар чоракда Жамият Кузатув Кенгаши ҳукмига Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимларнинг мавжудлиги тўғрисида хулосани муҳокамага қўяди тайёрлаш, шунингдек шундай битимларни тузишга Жамият ички ҳужжатлари ва қонунчилик талабларига риоя этилганлиги тўғрисида хулоса беради. Аффиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимларнинг мавжудлиги тўғрисида хулоса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

12.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини ёзма талаб қилишга ҳақли.

б) Ички аудит хизмати

12.8. Жамиятда ички аудит хизмати

ташкил этилган. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир. 12.9. Ички аудит хизмати Жамият Ижроия органининг, ваколатхоналари ва филиалларининг ишини назорат қилиш ва баҳолашни текширишлар ва уларнинг Қонунчиликка, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя қилишини мониторинг қилиш, бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирилишини таъминлаш, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг қоидалари ва тартибига, шунингдек Қонунчилик билан белгиланган Жамиятни бошқариш бўйича талабларига риоя қилиш орқали амалга оширади. 12.10. Жамиятнинг ички аудит хазмати фаолиятининг тартиби, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг Кузатув Кенгаши билан тасдиқланадиган "Ички аудит бўлими тўғрисида"ги Низом билан белгиланади. **с) Аудиторлик ташкилоти** 12.11. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва қонунчилик билан белгиланган тартибда унга аудиторлик хулосасини тақдим этади. 12.12. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.	

Кун тартибидаги 14-масала бўйича берилган овозлар натижаси:
Тарафдор- 16 491 087 овоз, Қарши- 663 052 овоз, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжарбек Лочинали сўз бошлади.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 59-моддасига ва жамият уставига асосан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказий учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киради.

"Тошкент механика заводи" АЖга қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан халқаро молиявий ҳисобот стандартлари ва миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тузилган "Тошкент механика заводи" АЖнинг 2024

йил учун молиявий ҳисоботининг аудит ўтказиш бўйича қуйидаги учта тижорат таклифи келиб тушган:

№ п/п	Аудит ташкилотнинг номи	Хизмат кўрсатишнинг умумий қиймати, ҚҚС ҳисобга олганда, (сўмда)
1	«AUDIT-KANON» МЧЖ	790 000 000
2	«MARIKON AUDIT» МЧЖ	850 000 000
3	«HLB TASHKENT» МЧЖ	620 000 000

Келиб тушган тижорат таклифлари бўйича хизматларнинг энг мақбули, яни 620 000 000 сўм нархидан ошмаган ҳолда "Тошкент механика заводи" акциядорлик жамиятининг 2024 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятининг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқ электрон савдолар биржаси орқали аниқлаш ва у билан шартнома тузиш масаласини кўриб чиқишингизни таклиф этилган.

Кун тартибидаги 15-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 16 686 185 овоз, Қарши- 467 954 овоз, Бетараф- йўқ

Акциядорларнинг умумий йиғилиши овоз бериш натижаларига кўра

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Тошкент механика заводи" акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбарининг 2023 йил якуни бўйича жамиятни молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. 2023 йил якуни бўйича жамиятнинг молиявий хўжалик ҳисоботлари, бухгалтерия баланси ҳамда аудиторлик ташкилотининг ҳисоботлари тасдиқлансин.

3."Тошкент механика заводи" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ҳисоботи тасдиқлансин.

4."Тошкент механика заводи" акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 2023 йил молиявий хўжалик фаолияти натижалари бўйича хулосаси тасдиқлансин.

5. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти 2023 йил 27 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 2022 йилда молиявий хўжалик фаолиятидан олинган соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарорининг иккинчи бандига ўзгартириш киритилсин ва унга кўра тубдан янгиловчи инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармасига йўналтирилган Жамиятнинг 2022 йил давомидаги фаолиятидан олинган соф фойданинг 10 фоизи ёки 342 250 600 сўмни Жамиятнинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришига йўналтирилсин.

6. “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамиятининг 2023 йил давомидаги фаолиятидан олинган соф фойдаси 25 719 167 000 сўмдан:

50 фоизи ёки 12 859 583 500 сўм ишлаб чиқаришни ривожлантиришга;

50 фоиз ёки 12 859 583 500 сўм дивидендга йўналтирилсин.

Бунда 12 859 583 500 сўм соф фойдадан дивиденд солиғини (5%) ҳисобга олганда 12 216 604 325 сўмни ташкил этади ҳамда бир дона акцияга ажратиладиган дивиденд миқдори солиқларни ҳисобга олганда 666,49 сўм қилиб белгилансин.

Дивиденд тўлаш акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган кундан эътиборан 60 кун ичида юридик шахсларнинг ҳисоб рақамига, жисмоний шахсларнинг ўз аризаларига биноан пластик карталарига нақдсиз пул кўринишида пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

Акциядорлар томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд жамият ихтиёрида қолади.

7.Овоз бериш натижаларига кўра қуйидагилар кузатув кенгаши аъзолигига сайланди:

Хасилов Хуснутдин Нуриддинович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош муҳандиси

Давлетов Жахонгир Марксович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш департаменти бошлиғи ўринбосари

Асқаров Музаффар Турсунбоевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ корпоратив муносабатлар департаменти бошлиғи

Ахмедов Сардорбек Хурматбекович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ халқаро хамкорлик департаменти бошлиғи

Абдураззоқов Акбаржон Кучкарович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси маслаҳатчи – бошқарув раиси ҳузуридаги котибият бошлиғи

Қаршиев Олег Келдиярович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳаракат хавфсизлиги ва мехнат муҳофазаси назорати департамент бошлиғи

Абдуллаев Бахром Шарофхўжаевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия департаменти бошлиғи ўринбосари

Умаров Лазиз Сафарбоевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ юридик департаменти бошлиғи ўринбосари

Кахаров Нодир Баходирович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ стратегик ривожланиш, саноат фаолиятини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

8. “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбари ва аъзолари билан меҳнат шартномалари бир йил муддатга яни акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилиши кунига қадар узайтирилисин. “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамияти ижроия органи (бошқарув) қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Исоқов Зафар Зиннатуллоевич – бошқарув раиси-бош директор

Бозоров Эркин Сайфуллоевич – бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

Собиров Анвар Мухаммадович – бош муҳандис

Абдулазизов Абдуҳамид Абдулазизович – ишлаб чиқариш директор

Джураев Жасур Мухаммедович- техник директори

Хафизов Нормурод Кулдашович - кадрлар ва персонални бошқариш бўлими бошлиғи

9.1. “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ва бошқарув органи аъзоларини ўз вазифаларини бажариб турган давр учун 2023 йил якунлари бўйича рағбатлантирилсин унга кўра:
кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 20 (йигирма) баравари миқдорида, кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 (ўн беш) баравари миқдорида, ижроия органи аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида ҳақ тўлансин.

9.2. 2024-2025 йил ҳар чорак якунида ўз вазифаларини бажариб турган давр учун кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 (ўн беш) баравари миқдорида ва ижроия органи аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида ҳақ тўлансин.

10. Аффилланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг келгуси 2025 йилда бўлиб ўтадиган йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлари маъқуллансин.

11. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизими ва молиявий фаолиятини баҳоланиши натижалари тўғрисида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият олиб борувчи – “Silk Capital” МЧЖ томонидан тақдим этилган хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда тасдиқлансин.

12. “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисидаги низоми тасдиқлансин.

13. Тошкент Туманлараро Иқтисодий судини 4-1001-2115/16472-сонли иши бўйича қарорини бажариш мақсадида “Тошкент механика заводи” АЖ томонидан “Ozsanoateksport” АЖдан қайтариб сотиб олинган 123 382 дона ўз акцияларини бекор қилиш йўли билан “Тошкент механика заводи” АЖ устав капиталини 73 812 124 000 сўмдан 73 318 596 000 сўмгача камайтирилсин.
“Тошкент механика заводи” АЖ устав капитали 73 318 596 000 сум миқдорида, номинал қиймати 4000 сўм бўлган 18 329 649 дона оддий акцияга бўлган ҳолда тасдиқлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021-2025” йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2024 йил 5 июндаги 01/2198-24-сонли хати инобатга олиб, тафтиш комиссиясининг фаолиятини тугатилсин ва Жамиятнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин. Қарор қабул қилинган санадан бошлаб “ТМЗ” АЖ Тафтиш комиссиясининг Низоми ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ҳамда Тошкент Туманлараро Иқтисодий судини 4-1001-2115/16472-сонли иши бўйича қарорини бажариш мақсадида “Тошкент механика заводи” АЖ томонидан “Ozsanoateksport” АЖдан қайтариб сотиб олинган 123 382 дона ўз акцияларини бекор қилиш йўли билан “Тошкент механика заводи” АЖ устав капиталини 73 812 124 000 сўмдан 73 318 596 000 сўмгача камайтириш тўғрисидаги қарори қабул қилинган тақдирда “Тошкент механика заводи” АЖ устав капитали 73 318 596 000 сўм миқдорида, номинал қиймати 4000 сўм бўлган 18 329 649 дона оддий акция ҳолда тасдиқланганидан келиб чиқиб,

«Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фонди камайиши натижасида амалдаги жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин ҳамда янги таҳрирдаги устави тасдиқлансин.

15. Келиб тушган тижорат таклифлари маълумот учун қабул қилинсин. Таклифлар бўйича хизматларнинг энг мақбули, яни 620 000 000 сўм нархидан ошмаган ҳолда “Тошкент механика заводи” акциядорлик жамиятининг 2024 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятининг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ электрон савдолар биржаси орқали аниқлансин ва у билан шартномасини тузилсин.

Йиғилиш раиси: Х.Н. Хасилов

Йиғилиш котиби: С.Л.Давлатов

Ушбу баённома 2024-йил _3_-июлда икки нусхада тузилди.